

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЗИЯМУХАМЕДОВ ЖАВОХИРБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**НЕФТ-ГАЗНИ ЙИҒИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ
ЭКСПЛУАТАЦИОН ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОРГАНОМИНЕРАЛ
МАТЕРИАЛЛАР ҚЎЛЛАШ БИЛАН ОШИРИШ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Диссертация химоясисиз ихтиро патенти асосида техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

Тошкент – 2023

**Диссертация ҳимоясиз ихтиро патенти асосида фалсафа доктори
(PhD) тақдимномаси мундарижаси**

Зиямухамедов Жавохирбек Улуғбекович

Нефт-газнинг йиғиш конструкцияларининг эксплуатацион

ишончлилигини органоминарал материаллар қўллаш билан ошириш.....4

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....24

Ихтиро патенти иловалари.....26

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЗИЯМУХАМЕДОВ ЖАВОХИРБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**НЕФТ-ГАЗНИ ЙИҒИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ
ЭКСПЛУАТАЦИОН ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОРГАНОМИНЕРАЛ
МАТЕРИАЛЛАР ҚЎЛЛАШ БИЛАН ОШИРИШ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Диссертация химоясисиз ихтиро патенти асосида техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2773 ракам билан рўйхатга олинган.

Иш Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович
техника фанлари доктори, профессор

Такдимнома ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01. ракамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «14» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор. Тел.: (99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz)



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф. PhD.,
катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) тақдимномаси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги қўлланиб келинаётган полимер композит материаллар ичида полиолефинлар асосий ўринни эгаллаб келмоқда, уларнинг қамрови деярли 85%ни ташкил этади. Боғловчи полимерлардан маҳсулот ва буюмлар ҳамда улар асосида юқори самарали композит материаллар олиш ва қўллаш борасида термопласт полимерлар етакчи ўринни эгаллайди. Уларнинг технологик, механик, кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини ҳар хил ингредиентлар қўшиш орқали модификацияланган структура ҳосил қилиш ва фазалараро ҳодисаларни чуқур ўрганиб, ундан фойдаланиш соҳасида мақсадли қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда олиб борилаётган изланишлар термопласт полимерларнинг металл материаллардан қолишмаган ҳолда ейилишбардошлилигини, деформацион, механик, триботехник кўрсаткичларини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунга полимер боғловчиларга қўшилувчи компонентларнинг таркибларини оптималлаштириш, тўлдирувчи ва сиртлараро структураларни шакллантирувчи яъни, модификацияловчи сирт фаол моддалар таъсирини аниқлаш шунингдек физик, кимёвий ва механик хоссаларини тўлдирувчи микдорига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, органоминарал композит материалларни турли соҳаларда, жумладан нефтгаз саноати технологик жараёнларида нефт ва газ маҳсулотларини йиғиш, сақлаш, элтиш жихозларида қўллаш, полимер композит материаллардан конструкциялар ва қувурлар олишда эксплуатацион хоссаларини дисперс ва толали тўлдирувчилар ёрдамида оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё санотининг ривожланиши полимер материалларнинг қўлланилиши борасида кенг имкониятлар яратмоқда. Уларнинг нефть-газ саноати, сув хўжалиги, машинасозлик ва транспорт тизимларида қўлланилиши бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида таъкидланганидек «..саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, республикамиз кимё саноатининг маҳсулотларидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг эксплуатацион хоссаларини ресурстежамкор ва экологик тоза композит материаллар ва уларни олиш усуллари яратиш, маҳаллий хом ашё базасидан фойдаланиб саноатнинг турли соҳаларида қўлланиладиган коррозияга, ейилишга, ишқаланишга бардош, деформацион мустаҳкамлиги ва эксплуатацион ишончлилиги юқори материалларнинг таркибларини яратиш ва уларни стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат корхоналари жихозлари ва конструкцияларида қўллаш билан амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон «2017-2019 йилларга буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» ҳамда VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полиэтилен асосидаги материалларнинг хоссаларини тадқиқотлаш ва улар асосида композит материаллар олиш бўйича Америка олимларидан Williams, J.G, Harper C.A. M. Parsons, L. H. Sperling, L. Hubert, S. Boros юқори ва паст зичликли полиэтиленларнинг структуравий тузилишини, уларнинг реологик ва физик хоссаларини тадқиқотлаш натижасида ҳар хил суюқликларни элтиш тизимларида қўлланиладиган қувурлар учун материалларнинг эксплуатацион хоссаларини ошириш борасида ижобий натижаларга эришганлар.

Япония олимлари Yukihiro Ozaki, Aya Tominaga, Haruka Kaneyasu, Hiroshi Morita ва бошқалар полиолефинлар асосидаги материалларнинг шишланиш ҳароратини тадқиқотлаш ва унинг эксплуатацион ишончилигига ҳамда технологик параметрларига боғлиқлик жиҳатларини тадқиқотлаш борасида изланишлар олиб борганлар.

Ҳиндистон олимлари S.D.Sharma, K.Kar.Kamal, S.Ahankari, K.Gupta, S.Sanakaran полимер асосидаги композит материалларнинг физик, механик ва кимёвий хоссаларини уларнинг таркибига металл кукуни, минераллар, органик тўлдирувчилар қўшиш орқали ошириш имкониятларини ўрганганлар. M.F.Wani, R.Seghal томонидан материалларнинг структураси ва уларнинг физик-механик хоссаси орасидаги боғлиқликнинг назарий жиҳатлари тадқиқотланган.

Россия ва Беларусь олимларидан А.А.Берлин, В.А.Струк, А.И.Свиридёноклар полимерлар асосидаги наноматериалларнинг олиниш технологияси ва уларнинг хоссаларини антиоксидант, компатобилизатор ва тўлдирувчи қўшимчалар орқали мустаҳкамлигини 45-60%га ошириш имкониятлари аниқланган.

Ўзбекистонда полимер материалларнинг қўлланилиши соҳаларида уларнинг имкониятларини кенгайтириш ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришда олимларимиз М.А.Аскарлов, С.Ш.Рашидова, А.Т.Джалилов, З.Таджиходжаев, А.Ибодуллоев, полимер ва композит материалларнинг триботехник хоссаларини ошириш борасида А.Б.Джумабаев ва А.А.Рискулов раҳбарликларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот режасининг ОТ-Ф-2-41 «Машинасозлик учун маҳаллий ашёлар ва маҳаллий энергетик ресурслар асосидаги гетерокомпозит полимер материалларининг структуравий шаклланиш жараёнларининг ва функционал хусусиятларининг тадқиқотлаш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида, Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти МЧЖнинг «Нефт ва газ йиғиш иншоотларининг эксплуатацион ишончлилигини ошириш учун полимер композитларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ва ташаббускор лойиҳалар режаси, ҳамда Андижон машинасозлик институти илмий-тадқиқот режасининг Uzbek-Indo 2021-85-«Нано-термопласт (полипропилен), терморектив (эпоксид кампаунд), нано ўлчамдаги тўлдирувчилар билан бойитилган полимер композит материаллар ва қопламаларнинг механик ҳамда триботехник хоссаларини такомиллаштириш» (2020-2023йй) мавзусидаги халқаро амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиэтилен (ПЭНП ва ПЭВП) боғловчилар асосида нано ўлчамли Ангрен каолини ва пластинасимон қатламли графитни механик фаоллаштириб, қоришмани дисперсиялаш усулида табиий ипак толаси чиқиндиси билан синчланган юқори мустаҳкамликка эга ва релаксацияга бардошли полимер композитларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий каолин ва пластинасимон қатламли графит заррачаларининг наноўлчами қоришма ҳосил бўлгунча диспергацион фаол тўлдирувчилар қоришмасини ҳосил қилиш;

фаоллаштирилган қоришма ва полиэтилен боғловчилар асосидаги полимер композитларнинг мустаҳкамлигини ва деформацияга бардошлилигини тадқиқотлаш;

юқори мустаҳкам ва релаксацияга бардошли полимер композитлар таркибини яратиш;

диаметри 50-330 мм бўлган қувурларнинг табиий ипак толаси чиқиндисини синчловчи сифатида қўшиб экструзия усулида олиш;

тадқиқот натижаларини нефтгаз маҳсулотларини йиғиш, элтиш, сақлаш технологик жараёнларида қўллаш;

яратилган таркиблар асосида олинган қувурларни қўллаш учун техник меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нефть ва газ маҳсулотларини йиғиш конструкцияларининг эксплуатацион ишончлилигини ошириш учун

органоминерал материаллар асосида деформациябардош қувурлар учун органоминерал композит материаллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини механик фаоллаштириш йўли билан дисперс ва табиий толали тўлдирувчи полиэтилен боғловчиси асосида нефть ва газни элтиш учун механик хоссалари яхшилانган органоминерал композит материаллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Яратилган композитларнинг тузилиши ва хоссалари физик-кимёвий ва физик-механик (сканирловчи электрон микроскопия (СЭМ), масспектроскопия, узилишдаги мустаҳкамлиги ва эластиклиги, деформация ва релаксацияга бардошлиги) тадқиқот усуллари билан исботланганлиги ҳамда илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полиэтиленнинг (ПЭНП ва ПЭВП) наноўлчамдаги механик фаоллашган маҳаллий каолин ва пластинасимон қатламли графит қоришмаси билан тўлдирилганда олинган полимер композитнинг мустаҳкамлиги ва релаксацияга барқарорлиги аниқланган;

нефть ва газни элтиш қувурлари учун полиэтилен (ПЭНП ва ПЭВП) боғловчили композитларни наноўлчамдаги механик фаоллаштирилган маҳаллий каолин ва пластинасимон қатламли графит қоришмаси билан тўлдирилган ва ипак чиқиндиси толаси билан синчланган деформацияга бардошли таркиблар яратилган (IAP 07000);

механик фаоллаштириш натижасида дисперс компонентларнинг фаол сирти ҳосил бўлиши табиий толали тўлдирувчини структуравий модификациялаш эвазига органоминерал композитларда зарбий қовушқоқлигини 25%, чўзилишдаги мустаҳкамлигини 1,6 мартага ошириш ва биқирлигининг кескин кўпайишига олиб келиши аниқланган;

яратилган таркиблар нефтьгазни йиғиш, сақлаш ва элтиш технологик воситаларининг эксплуатацион ишончилигини ошириш ва триботехник хоссаларини яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий Ангрен каолини ва пластинасимон қатламли графит қоришмани механик фаоллаштириш усули билан полиэтилен (ПЭВП ва ПЭНП) боғловчили композитлардан олинган органоминерал материалларнинг деформацияга ва релаксацияга бардошлилигини 2-3 марта ошганлиги аниқланган;

полиэтилен (ПЭВП ва ПЭНП) боғловчилар асосидаги органоминерал материалларнинг мустаҳкамлигини ипак чиқиндиси билан синчлаш, элтиш воситалари – қувурларнинг релаксацион барқарорлигининг (σ_p) 1,2-1,6 марта, механик мустаҳкамлигининг 6,5 МПа дан 8,1 МПага ошишига, ҳажмий электр қаршилигининг 25-30% камайишига ва ейилишбардошлилигининг 50-60%га ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишлаб чиқариш корхоналарида сертификатлашган лабораторияларда физик-кимёвий ва механик синовлардан ўтганлиги, ҳисоблашлар компьютер дастури ёрдамида бажарилганлиги, тажриба ва

назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий Ангрен каолини ва пластинасимон қатламли графит қоришмани механик фаоллаштириш усули билан полиэтилен (ПЭВП ва ПЭНП) боғловчили композиция асосида олинган композитларнинг таркиби ва уларни олиш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган янги полимер композитлар таркиблари асосида ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларини элтувчи кувурларнинг релаксацион барқарорлиги (σ_p) 1,2-1,6 марта, механик мустаҳкамлиги 6,5 МПа дан 8,1 МПага, ейилишга бардошлилиги 50-60 %га оширилган, ҳажмий электр қаршилиги 25-30%га камайтиришга эришилганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефтьгаз маҳсулотларини йиғиш, сақлаш ва элтиш технологик воситаларининг эксплуатацион ишончилигини полиэтилен (ПЭВП ва ПЭНП) асосидаги органоминерал материаллар қўллаш билан ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нефть, газ ва нефтьгаз маҳсулотларини йиғиш конструкциялари учун диаметри 50-330 (Ду42-300 мм)ли кувурлар «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖнинг «Қаршитермопласт» цехида жорий этилган («О‘ЗBEKNEFTGAZ» АЖ «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖнинг 2023 йил 24 январдаги 9/23-131-сон маълумотномаси). Натижада, эксплуатацион хоссалари бўйича металл конструкцияларни алмаштиришга имкон берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган;

«Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖнинг «Қаршитермопласт» цехида янги яратилган полимер композитлар ишлаб чиқилган диаметри 50-330 мм (Ду42-300)ли нефть, газ ва нефтьгаз маҳсулотларини йиғиш конструкциялари кувурларини ишлаб чиқариш шароитида қўллаш бўйича «О‘ЗBEKNEFTGAZ» АЖ «Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси» корхонасида жорий этилди («О‘ЗBEKNEFTGAZ» АЖ «Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси»нинг 2023 йил 24 январдаги 11/2-1080-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган янги полимер композитлар таркиблари асосида ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларини элтувчи кувурларнинг релаксацион барқарорлиги (σ_p) 1,2-1,6 марта, механик мустаҳкамлиги 6,5 МПа дан 8,1 МПага, ейилишга бардошлилиги 50-60 %га оширилган, ҳажмий электр қаршилиги 25-30%га камайганлиги «Нефть маҳсулотларини қуйиб жўнатиш» цехи резервуарларида қўлланилиши натижасида технологик жиҳозларнинг эксплуатацион ишончилигини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган. , Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия

этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шу жумладан 4та республика ва 1та хорижий журналларда нашр этилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг «Полимер композицияси» (IAP 07000-сонли) ихтиро патенти.

Фойдаланиш соҳаси: кенг соҳалар учун пластмасса буюмлари ва машинасозлик деталлари хусусан, ишқаланиш қисмларида қўлланиладиган тўлдирувчи полиолефинларни ишлаб чиқариш саноати.

Вазифаси: маҳаллий ашё ва чиқиндилардан фойдаланиб, улардан материаллар олиш жараёнида структура шаклланиши ҳисобига зарбий ва релаксацион мустаҳкамлик, гидроабразив ейилишбардошлик каби физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш.

Ихтиронинг моҳияти:

Ишқаланиб ейилиш ва агрессив муҳит шароитида ишловчи жиҳозларда қўлланиладиган, таркибига 100 мас.қ. фуранэпоксид смоласи, механик фаоллаштирилган каолин 20-30 мас.қ. ва 2-5 мас.қ. графит, 8-12 мас.қ. госсипол смоласи, 12 мас.қ. полиэтилен полиамин таркибли композит материал мавжуд [UZ №IAP 04645]. Бу композит материалнинг қўлланилиши чекланган бўлиб, у фақатгина антифрикцион материал сифатида ишлатилади. Реактопласт полимер асосида ишлаб чиқарилган, сиртларнинг ўзаро таъсирланишувида ишқаланиш кучларини камайтириш вазифасини бажарувчи, металл юзаларда қоплама сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бу таркиб кўпкомпонентлилиги, айниқса икки хил смолаларнинг композит таркибида мавжудлиги ва олиш жараёнида технологик операциялар сони кўплиги унинг самарадорлигини камайтиради.

[UZ №IAP 05354] патент асосидаги композит материал 15-19 мас.қ. механик фаоллаштирилган каолин ва пластинасимон қатламли графит, қолган қисми полиолефиндан таркиб топган композит материалларнинг релаксацияга бардошлилиги физик-механик хоссалари 1,5-2 марта юқорилиги аниқланган.

Механик фаоллаштириш усули ёрдамида каолиннинг АКС-30 маркасини пластинасимон қатламли графит билан нано ўлчамдаги заррачаларга ёки 1-2 микронгача, ультра диспергациялаб фаоллаштириш (ультрадиспергатор активатор - УДА) технологиясидан ёки шу каби бошқа механик фаоллаштиргичдан фойдаланган ҳолда, механик хоссалари оширилган, жумладан зарбий мустаҳкамлик ва гидроабразив ейилишбардошлилиги кўп бўлиб, юқори босимли (ПЭВД) ва юқори зичликли полиэтилен (ПЭНД) термопласт боғловчи полимерлар асосида олинган ушбу композитлар қишлоқ хўжалиги суғориш тизимларида ва турли гидротехник иншоотларда кенг қўлланилмоқда.

Таъкидлаш керакки, релаксацияга ва ейилишга бардошли композит материаллар таркибига толали тўлдирувчиларни уларга кимёвий тузилиши ва албатта мос равишда тўғри келадиган структура ҳосил қилувчи қўшимчалар билан модификациялаш орқали эришилади.

Шунингдек, 40-60 мас.% анилинфенолформальдегид смоласи билан 40-60 мас.% қайнатилмаган табиий ипак чиқиндис таркибли полимер композицияси ҳам маълум [Пат. SU №1703665]. Бу таркибнинг камчилиги-пишмаган табиий ипак чиқиндиларини, шу жумладан ипак толаларининг 20 мм қисмини кўп босқичли қайта ишлаш, уларни СФ-342А смоласининг ацетондаги 50%ли эритмаси билан сингдириш, учувчи қисмларини олиб ташлаш билан қуритиш ва олинган материални $165\pm 5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 40 ± 5 МПа босим остида 5-2,0 мм/мин тезликда таъсир қилинади.

[ИН DP 9800349] полимер композит материал таркибида полипропилен (ПП), пахта момиғи (ПМ), графит ва каолин қуйидаги миқдорда ва нисбатларда ташкил этиб: полипропилен (ПП) – 100 мас.қ., графит - 5-15 мас.қ., пахта момиғи - 20-30 мас.қ., каолин 10-20 мас.қ.ни ташкил этиб, компонентларнинг таркиби, техник моҳияти ва эришилган натижаси бўйича таклиф қилинган ихтирога энг яқини ҳисобланади.

Композициянинг камчиликлари шундаки, нозик толали пахта момиғининг ҳажми кўплиги (20-30 мас.қ) туфайли термопласт боғловчилардан буюм ва деталлар олиш оддий технологик жараёнларда деярли эришиб бўлмайди, чунки бу ҳаддан ташқари катта энергия ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ. Турли хил ностандарт қуйиш усуллари билан пресшлаш орқали олиниши мумкин бўлган кичик ўлчамли машинасозлик деталлари сирт қатламларида ғадир-будурлик ва ғоваклик каби маълум камчиликларга эга.

Ушбу ихтиронинг мақсади полимер композицияларнинг зарбий мустаҳкамлик, релаксацион барқарорлик, гидроабразив ейилишга бардошлилик каби физик, механик ва эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш, уларни ишлаб чиқариш жараёнида структуранинг шаклланишини такомиллаштириш ва композит материалларнинг нархини маҳаллий ашёлар қўллаш орқали арзонлаштиришдан иборат.

Бу вазифага полиэтилен (ПЭ), графит, каолин ва пахта момиғини ўз ичига олган полимер, таркибида пахта момиғининг тола узунлиги 5-25 мм бўлган ипакни қайта ишлаш корхонаси чиқиндилари (отход шёлкоперерабатывающего производства ОШПП) билан қуйидаги миқдор ва таркиб бўйича алмаштирилиши орқали эришилади: полиэтилен 77-86 мас.қ., каолин (АКС-30)-10 мас.қ., графит-2-3 мас.қ., толали тўлдирувчи (ОШПП)-2-10 мас.қ.

Аралаш тўлдирувчи моддаларнинг умумий миқдори-каолин ва графит 10-15 мас.қ.дан ошмаслиги керак ва модификатланган толали тўлдирувчи сифатида 2-10 мас.қ. ипини қайта ишлаш корхонаси чиқиндилари (ОШПП), аралаш тўлдирувчи: уваланувчи графит 2-3 мас.қ., каолин (АКТ-30)-10 мас.қ. миқдори нанозаррачалар даражасигача майдаланганда кучли синергетик эффект ҳодисаси таъминланади ва структурани яхшилашга олиб келади. Натижада, мавжуд бўлган углерод тола билан тўлдирилган полиэтилен боғловчили материалларга нисбатан мустаҳкамлиги ва релаксацион барқарорлиги ошади. Бундан ташқари, композит материалнинг ишқаланиш коэффиценти минимал ва барқарор қийматга эга бўлади, бу полиэтилен қувурларини ишқаланиш жуфтликлар тизимида қўллаш доирасини

кенгайтирадиган асосий эксплуатацион кўрсаткичлардан биридир.

Аралаш тўлдирувчи моддалар учун энг самаралиси уваланувчи графит (ГОСТ 558-82) бўлиб, ўзининг пластинасимон тузилиши туфайли табиий минерал АКС-30 каолини (O'zDSt 1056:2004) билан наноўлчамларгача жуда яхши майдаланади ва аралашади, ҳаттоки оддий механик аралаштириш жараёнида ҳам гомоген қоришма ҳосил қилади. Механик фаоллаштириш усулида модификацияланган каолин-графит аралаш тўлдирувчиси керакли миқдорда полимер матрицага қўшилади ва кўюв машинаси ёки бошқа технологик жиҳоз ёрдамида буюм олинади.

Ипакни қайта ишлаш саноати чиқиндилари (ОШПП) узунлиги 2 дан 25 мм гача бўлган толалар бўлиб, пилла хомашёсини қайта ишлаш жараёнида ипак толасини олишда ҳосил бўлади. Чиқинди илиқ сув суюқлигидаги пиллалардан ипак ўраш мосламасидан ечишда ҳосил бўлади. Ўрамларни ечиш жараёнида фибриллар оксиди - фибрион ва бошқа оксид моддаси - серецинни ўз ичига олган ипак толаларининг бўлаклари ҳосил бўлади. Бундан ташқари, пилла қобиғининг ипагида бошқа, оксид бўлмаган моддалар мавжуд: калий ва натрий тузлари ҳамда ёғли-мум моддаларининг тузлари.

Тавсия этилган полимер композициясининг асосий таркибий қисми юқори зичликдаги (ПЭВП) термопласт полиэтилен ҳисобланади.

Полимер таркибини олишга мисол.

Масалан, полиэтилен композициясининг миқдори ҳисобидан минерал тўлдирувчи АКС-30 маркали бирламчи Ангрен каолини (O'zDSt 1056:2004) 10 мас.қ. миқдорда олиб ҳамда пластинасимон қатламли графит ҳам 2-3 мас.қ. олинади. Шунда қоришманинг миқдори жами 100 мас.қни ташкил этиб, кейин уни куйиш машинаси (экструдер)га солинади. Бу қоришманинг курук модификацияланган компонентлари толали тўлдирувчи, каолин, графит аралашмаси бўлиб: толали тўлдирувчи (ОШПП)-2-10 мас.қ.+графит-2-3 мас.қ.+каолин 10 мас.қ. миқдори 77-86 мас.қ. Шўртан газ кимё мажмуаси корхонасида ишлаб чиқариладиган Р-У342 (TSh 17642168-05:2014) маркаси юқори зичликли полиэтилен (ПЭВП) ёки I-0525 (TSh 39.2-231:2011) маркали полиэтиленга қўшилади ва жараён ишлаб чиқариш шароитида $135\pm 5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 5 дақиқа давомида амалга оширилади.

Полимер композицияларининг таркиби, физик-механик ва эксплуатацион параметрлари 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

Массавий ейилиш миқдори қиёсий синовлар асосида аниқланди:

-релаксацион кучланиш миқдори $t=30$ дақиқада доимий юк остида аниқланган;
-ишқаланиш коэффиценти f (ишқаланиш кучининг нормал юкламага нисбати)
O'zDSt 2822-2014 бўйича трибометр-релаксометрда аниқланди, таққословчи намуна сифатида конструкцион пўлат Ст 65ХГС ишлатилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, термопласт полимерни асос сифатида ишлатиш орқали ижобий самарага эришилди, унга 14-23 мас.қ. миқдорда таркибида каолин ва пластинасимон қатламли графит бўлган наноўлчамларгача механик фаоллаштирилган қоришма қўшилади.

1-жадвал

Композиция таркиби

Композит таркиби	Компонентлар таркиби мас.қ.					
	Прототип*	Биринчи композиция	Иккинчи композиция	Учинчи композиция	Тўртинчи композиция	Бешинчи композиция
Полипропилен	100	-	-	-	-	-
Полиэтилен	-	86	83,75	81,5	79,25	77
Каолин АКС-30	10	10	10	10	10	10
Графит	5	2,0	2,25	2,5	2,75	3,0
Толали тўлдирувчи ОШПП	-	2,0	4,0	6,0	8,0	10,0
Пахта линти	20	-	-	-	-	-

2-жадвал

Полимер композитининг физик-механик ва эксплуатацион параметрларининг таркибига боғлиқлиги

Полимер композити таркиби, мас.қ. Полиэтилен + графит+каолин+ табиий толали тўлдирувчи	Композит таркиби				
	Чўзилишга мустаҳкамлиги, МПа	Релаксацион мустаҳкамлик, σ_{∞} 1 МПа	Узилишдаги нисбий чўзилиш (50mm/min) дан кам бўлмаган, %	Ҳажмий эл. қаршилиқ, ρv^* 10-100mcm	Нисбий ейилишбардошлилик
Прототип	16,5	11,5	65-110	9,6- 10,1	10-12
1-композиция	18,6	16,2	55-75	8,5-12,1	25-28
2-композиция	21,8	19,5	40-50	8,2-9,6	32-35
3-композиция	23,5	21,5	35-40	7,6-8,4	40-50
4-композиция	26,2	22,1	30-40	6,2-7,1	45-55
5-композиция	28,1	25,2	30-35	5,8-6,6	50-60

Эслатма: нисбий ейилишга бардошлилик қурум (сажа) билан тўлдирилган комозитларга нисбатан аниқланган, ПЭВП асосидаги таклиф этилаётган таркиблар.

Белгиланган миқдорий чегаралардаги компонентларнинг таркиби материалларнинг мустаҳкамлиги ва триботехник хусусиятларини ҳамда релаксацион барқарорлигини оптимал равишда бирлаштиришга имкон беради ва улардан четланиш физик ва механик параметрларини янада яхшилашни таъминламайди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқадики, полиэтилен таклиф этилган модификацияланган каолин-графит билан тўлдирилганда назоратдаги намунага нисбатан 1,2-1,6 баробар релаксацион ва механик (узилишга) мустаҳкамлигининг ошганлиги, ҳажмий қаршилигининг камайганлиги, шунингдек аналоглар билан солиштирганда, биз таклиф қилган намуналар юқори мустаҳкамликка эгалиги аниқланди.

Аналогларда композит материалларнинг релаксацион мустаҳкамлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, аммо жадвалларда кўрсатилган аналогларнинг нисбий чўзилиши (30-75) ва механик кучланиш (10-12 МПа) миқдорлар бўйича уларнинг механик юкларга нисбатан паст релаксацион қаршилигини баҳолаш мумкин. Бу эса вазифага мос келадиган янги техник натижани олганимиздан далолат беради.

Термопласт полимер-полиэтиленнинг таклиф қилинган модификацияланган каолин-графит тўлдирувчи билан тавсия этилган композициясидан фойдаланиш маҳаллий хомашё асосида арзонроқ ва шу билан бирга юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради. Бу эса таркибни соддалаштиради, материалнинг мустаҳкамлик ва трибометрик хоссаларини яхшилаш ҳисобига маҳсулотларнинг ассортименти ва кўламини кенгайтиради, шу билан бирга, эксплуатацион муддатини ошириш ва арзон маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш ҳисобига юқори иқтисодий самара беради.

Ихтиро формуласи

Полиэтилен, каолин, графит ва толали тўлдирувчилар таркибли композит материал таркибида тола узунлиги 5-25 мм бўлган ипакни қайта ишлаш корхонаси (ОШПП) чиқиндиси ипак чиқиндиларни толали тўлдирувчи сифатида ишлатилиши билан ажралиб туради. Таркиб компонентлари миқдори, мас.қ.:

Полиэтилен - 77-86

Каолин (АКС-30) - 10

Графит - 2-3

Ипакни қайта ишлаш корхонаси чиқиндиси 2-10.

Қайта ишлов учун материаллардан, технологик жиҳатдан полипропилен (ПП)га нисбатан анча қулай бўлган полиэтилен (ПЭ) нинг барча турларини ҳам мақсадли қўллаб, амалий маълумотларни ривожлантириш мумкин.

Бу эса айнан мамлакатимизнинг полимер хомашёларидан бирини ишлаб чиқарувчи МЧЖ «Шўртан газ кимё мажмуаси» корхонаси таркибидаги «Қарши

термопласт» цехида талаб бўлса, сон ва сифат жиҳатидан керакли миқдорда ишлаб чиқариш имконини беради.

Тадқиқотларда пластик термопласт боғловчи сифатида I- 0525 TSh39.2-231:2011 маркали (ρ -970кг/м³, Tс-135-140°С) юқори зичликли полиэтилен ҳамда I- 0525 TSh39.2-231:2011 маркали (ρ -945кг/м³, Tс -115-125°С) «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ корхонаси ишлаб чиқариладиган полиэтилен (ПЭ) ишлатилди.

Табиий минерал сифатида каолин тўлдирувчи ишлатилади, аммо ишлаб чиқарилаётган полимер таркибига мос келадиган бошқа минералдан ҳам фойдаланиш мумкин. Майдаланган табиий минерални пластинасимон қатламли графит билан биргаликда модификация қилиш механик фаоллаштиригичларда ёки ультрадиспергациялаш билан 3-5 дақиқа ичида амалга оширилади ва бунда заррачалар ўлчами бир неча нанометрдан 1-2 микронгача боради. Шу тарзда олинган модификацияланган минерал+графит тўлдирувчи қоришмаси маълум нисбатда полимер матричасига киритилади ва белгиланган хусусиятларга эга тўлдирилган полимер олинади.


Модификациялашнинг бу усули термопласт полимер полиэтиленга фаоллаштирилган тўлдирувчиларни қўшиш бир вақтнинг ўзида ҳам майдалаш ҳам фаоллаштиришга эришилади, бунда яхшиланган синергетик эффект амалга оширилади ва бу структуранинг шаклланишини яхшилашга олиб келади. Буни олинган натижалардан, яъни электрон микроскопдаги материал структураси фотосуратларида яққол кўришимиз мумкин (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, механик фаоллаштириш қўлланилганда (1-расм, б) механик фаоллаштирилмаган қоришма (1-расм, а)га нисбатан материал структурасида тўлдирувчи ва боғловчининг ўзаро структуравий гомоген қоришма ҳосил қилиш натижасида бир текис тақсимланган ғоваклар ва нуқсонларсиз тўлдирувчи ва боғловчининг фазалари юзасида мустаҳкам адгезион боғлар ҳосил бўлиши ҳисобига механик хоссалари юқори материал олиш имконини беради. Механик фаоллаштирилган дисперс тўлдирувчиларнинг толали синчловчи тўлдирувчига қўшиш билан олинадиган органоминарал материалларда ҳам шу каби хулоса келиб чиқади, жараёнда механик фаоллаштириш натижасида зарядланган дисперс каолин+графит фаоллашган қоришма тола юзасига иккиламчи боғларнинг кучайиши натижасида модификатор вазифасини бажариб, материалнинг бутун ҳажми бўйича бир текис структура ҳосил бўлади (1- расм, d).


Органоминарал материал таркиби бу тажрибада каолин (АКС-30)-10 мас.қ., графит-3 мас.қ., қолгани термопласт боғловчи юқори зичликли полиэтилен (ПЭВП) (1-расм а, б) ва (1-расм с, d) органоминарал материал таркиби каолин (АКС-30) – 10, графит – 3, ипакни қайта ишлаш корхонаси чиқиндиси 5мас.қ., қолгани термопласт боғловчи юқори зичликли полиэтилен (ПЭВП).

Тўлдирилган полимерларнинг керакли механик хусусиятларини таъминлаш учун зарурий шарт-бу тўлдирувчи зарралар сиртини полимер боғланувчи фазалар чегарасида ҳосил бўладиган физик -кимёвий боғланишлар ҳосил бўлиши ҳисобига гетероген системада ҳўлланиш ва тўлдирувчи


заррачаларининг боғловчи билан ички кучланишларнинг бир хил тақсимланиши адгезив боғлар ҳосил бўлиши кучайтириши ҳисобига боради.




a



b



c



d

a-оддий усулда олинган каолин+графит+ПЭ қоришма тўлдирувчи таркибли органоминарал материал структураси;

b-механик фаоллаштириш усулида олинган каолин+графит+ПЭ органоминарал материал структураси;

c- оддий усулда олинган каолин+графит+ипак чиқиндиси (ОШПП) қоришма тўлдирувчи таркибли органоминарал материал структураси;

d-механик фаоллаштирилган дисперс тўлдирувчилар (каолин+графит) билан механокимёвий модификацияланган о-кимёвий модификацияланган ипакни қайта ишлаш чиқиндиси (ОШПП) қоришма тўлдирувчи таркибли органоминарал материал структураси.

1-расм. IAP 07000 - сонли патенти асосида олинган таркибларнинг сканерловчи электрон микроскопда таҳлили (x500).

Юқори юклама таъсири эксплуатация шароитида ишлайдиган конструкциянинг механик хоссасини ошириш учун синчлаш мақсадида толали тўлдирувчилар қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда мустаҳкамловчи толалар хусусиятларининг анизотропияси туфайли материални мустаҳкамлайди ва уларнинг механик хусусиятларини оширади (3-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, таклиф этилган таркиб ва усулдан фойдаланиб, белгиланган микдорий чегаралардаги компонентларнинг


таркиби материалларнинг мустаҳкамлиги ва триботехник хусусиятларини ҳамда релаксацион барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

3-жадвал

Синчлаб мустаҳкамланган органоминерал композит материалларнинг хоссалари

Таркиб				Триботехник параметр
Полиэтилен + модификацияланган тўлдирувчилар (механофаоллашган қоришма каолин АКС-30 +графит+ОШПП), мас.қ				Ишқаланиш коэффициенти, f
ПЭВП	АКС-30	Графит	ОШПП	
86	10	1	3	0,30-0,31
84	10	2	4	0,30-0,31
82	10	2	6	0,28-0,30
79	10	3	8	0,27-0,28
77	10	3	10	0,25-0,27
ПЭНП	АКС-30	Графит	ОШПП	
86	10	2	2	0,24-0,28
85	10	2	3	0,22-0,26
81	10	3	6	0,20-0,24
77	10	3	10	0,25-0,28

Изоҳ: ПЭВП-юқори зичликли полиэтилен; ПЭНП-паст зичликли полиэтилен;
-релаксация кучланиши миқдори t-30 дақиқа давомида доимий юк остида олинди;
-ишқаланиш коэффициенти f (ишқаланиш кучининг номинал юкка нисбати).



2-расм. Фаоллаштирилиб модификацияланган каолин+графит

**дисперс тўлдирувчи ПЭВП боғловчи асосидаги композит материалнинг
ейилишбардошлилиги (1,2,3) ва релаксация барқарорлиги (4,5,6)
синчловчи ипак тола (ОШПП) миқдорида боғлиқлиги**

2-расмда ифодаланган ипакни қайта ишлаш чиқиндиси (ОШПП)га боғлиқлик қонуниятини ўрта ва паст зичликли полиэтилен боғловчилар асосида ҳам материалнинг ишлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириб, мақсадли қўллаш имкониятлари доирасини янада кенгайтириш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг самарадорлигини сон ва сифат жиҳатдан баҳолашда муайян физик катталиклар танлаб олинади.

Шу муносабат билан биз ейилишбардошлилик, фрикцион ва антифрикцион таъсирланишув ҳамда релаксацион барқарорлик каби ҳолатларни татбиқ этдик.

Масалан, ейилишбардошлиликни баҳолаш учун ейилма миқдорида тескари бўлган катталик, яъни ейилишбардошлилик қуйидаги ифода орқали баҳоланди:

$$\left. \begin{aligned} i \cdot l_i &= 1 \\ i &= \frac{1}{l} \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

бу ерда, i - ейилишбардошлилик. мкм^{-1} ;

li - ишқаланувчи сиртга тик йўналишдаги ейилма миқдори, мкм .

$$\left. \begin{aligned} \sigma_t &= \frac{P}{t} \neq \text{const} \\ \sigma_t \rightarrow \infty &= \frac{P}{t} = \text{const} \end{aligned} \right\}$$

(2)

Фрикцион ёки антифрикцион хоссаларнинг ишқаланиш кучи ёки ишқаланиш коэффиценти қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$f = \frac{Fi}{Ni} \quad (3)$$

бу ерда, f – ишқаланиш коэффиценти;

Fi – ишқаланиш кучи, Н ;


Ni – нормал таъсир этувчи юклама, Н .

Бинобарин, таъкидлаш ўринлики тадқиқотимиз моҳияти фақатгина антифрикцион материал яратишдан иборат эмас. Муайян экстремал шароитда, ўзгарувчан параметрлар билан тадқиқот олиб боришда хусусан нефть ва газ маҳсулотларини йиғиш, сақлаш, элтиш ва тақсимлашда иштирок этадиган деталь ва буюмларнинг эксплуатацион ишончлилигини таъминлашда


самарадорликка эришиш учун зарур чекловлар доирасида тадқиқотлар олиб борилди ва натижалар амалиётга жорий этилди.

Олинган натижаларни изоҳлаш мақсадида механик фаоллаштириш жараёнини структуралараро ҳодисаларга ва жараёнларга таъсири тадқиқотланди (2-расм).

Механик фаоллаштирилмаган (2,a,b,c-расм) ва фаоллаштирилган (2,d,e-расм) каолин-графит тўлдирувчи қоришманинг структурасини ўрганишлар шуни кўрсатдики, қатламли структурага эга бу қоришмада механик фаоллаштиришда агломератлар (2, f-расм) ҳосил бўлмаслиги тўлдирувчининг ҳажм бўйича тенг тақсимланишига олиб келади, дисперс тўлдирувчилар таркибининг металл оксидларидан иборатлигини (4-жадвал) ҳисобга олсак, зарраларнинг механик фаоллашув жараёнида мусбат ва манфий заряддар ҳосил бўлиши табиий тола юзасида кимёвий фаол марказлар ҳосил қилишига, бунинг натижасида фазалараро қатламда Ван дер Ваальс кучлари ҳисобига молекуляр боғланишлар содир бўлади, деган ғояни илгари суриш ўринли. Шуни таъкидлаш лозимки (2, d -расм)да келтирилган структура кўринишидаги қора бўшлиқ қисмлар зарядланган заррачаларнинг бир биридан итарилиш ҳисобига ҳосил бўлган фаол зоналар бўлиб, 24 соат мобайнида ўзининг фаоллигини сақлаб қолиши аниқланди.




a




b




c



d



e



f

a-АКС-30 каолин структураси; b – пластинасимон қатламли графит структураси; c-АКС-30 каолини ва пластинасимон қатламли графит қоришмаси (фаоллаштирилмаган); d- АКС-30 каолини ва пластинасимон қатламли графитнинг механик фаоллашган қоришмасининг структураси; e-механохимёвий модификацияланган ипак чиқиндис толасининг структураси; f-каолин+графит қоришмасининг агломерати.

2-расм. Дисперс ва толали тўлдирувчилар структураси (Gemini 500 Field Emission Scanning Electron Microscope (FE-SEM))

4-жадвал

Каолиннинг кимёвий таркиби

Кимёвий таркиб, (%)												
GV	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	TiO ₂	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	BaO	MnO	SO ₃
2,82	88,2	7,42	0,36	0,28	0,12	0,03	0,03	0,41	0,02	< 0,01	< 0,01	о.м.

Тадқиқотлар нефть ва газ соҳасида қўлланиладиган полимер композит қувур материалларининг таркибига маҳаллий хомашёлар асосидаги тўлдирувчиларнинг аниқ ҳисобланган миқдорини қўшиб, иқтисодий самарадорликка эришишга қаратилган. Тажриба синовлари натижасида олинган маҳсулотларнинг таннархи ҳисоби учун диаметри 50 мм дан 330 мм гача бўлган технологик қувурлар танланди.

Жорий этилган полимер материали асосидаги материални қўллашда иқтисодий самарадорлик 1 м SDR 11 S5 (Т) маркали полимер қувурнинг нархини ҳисоблаш асосида иқтисодий самарадорлиги тасдиқланди.

Маълум технологик усул ва таркибларни қўллаб полимер материалларнинг механик, физик, кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш мумкин. Композит материаллар технологияси ёрдамида синчлаб мустаҳкамлашда узлукли ва узлуксиз усуллар мавжуд. Аммо бу икки усулни яхлит қилиб амалга оширадиган технология мутлақо ўрганилмаган. Гап шундаки, ипак тола чиқиндиси 5-25 мм узунликда мавжуд бўлганидан уларнинг ўлчамлари бўйича саралаб, масалан 5-10; 10-15; 15-20; 20-25; ўлчамлар бўйича синчланган композитларнинг мустаҳкамлиги ва технологиянинг қулай-ноқулай жараёнлари доирасида амалиёт учун ўта муҳим натижалар олиш мумкин. Ҳозиргача бундай тадқиқотлар ўтказилмаган, замонавий илмий-амалий муаммо бўлиб қолмоқда.


Тадқиқотда юқори ва паст босимли полиэтиленлар асосида композит материаллар олинган. Олинган таркибларнинг физик-механик хоссалари эксплуатацион параметрларига маъқул келган миқдори каолин тўлдирувчининг 10 мас.қ. ва 3 мас.қ.гача миқдордаги электр ўказувчан графитни биргаликда механик фаоллаштириш натижасида олинган. Таркибларнинг доимий куч таъсирида ҳамда О'зДСт 22.28-2014 бўйича релаксация кучланиши ва ишқаланиш коэффициенти f Ст65ХГС пўлат материали юзасида синовдан ўтган. Полиэтиленни каолин-графит фаоллаштирилган бинар компонентлар билан тўлдириб, стандарт намуналар билан таққослаганда, олинган органоминарал материалларнинг релаксацион бардошлилик кўрсаткичи (σ_p) 1,2-1,6 мартага, механик мустаҳкамлик 6,5 МПа дан 8,1 МПага ошиши, ҳажмий электр қаршилиқ 25-30%га ва ейилишга бардошлиликни 50-60 %га оширишга

олиб келади. Таклиф этилаётган усул билан олинган термопласт полимер боғловчи-полиэтилен асосидаги модификацияланган каолин-графит бинар компонент билан тўлдирилган композитлардан фойдаланиш маҳаллий хомашё асосида анча таннархи жиҳатидан арзон ва шу билан бирга юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, композитларнинг таркибини оптималлаштириш, яхшиланган триботехник хусусиятлар туфайли қўллаш соҳаларини кенгайтириш имконини беради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортименти ва кўлами, шу билан бирга иқтисодий самарани оширишга, маҳсулотларнинг чидамлилиги ва арзон минтақавий хомашёлардан фойдаланиш туфайли уларнинг ишлаш муддатини ошириш имконини яратади.

Ишлаб чиқилган таркиблардан деформация хусусиятлари яхшиланган композит органоминарал материаллардан «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ «Қаршитермопласт» цехида диаметри 50-330 (Ду42-300 мм)ли қувурларда жорий этилди.

Композит қувурлар нефть-газ маҳсулотларини сақловчи резервуарлари қувурларида, жумладан нефть, нефть ва газ маҳсулотларини ташиш учун ва технологик жараёнларда ишлатиладиган турли хил кимёвий агрессив реагентлар, нефть ва газни қайта ишлаш, бурғилаш қудуқлари, нефтни ташиш ва сақлаш тизимларида ер усти ётқизиш усулида қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Қувурларнинг қалинлиги бир хил бўлса, ўрнатиш мобайнида пайвандлаш орқали уланади, акс ҳолда муфтадан фойдаланиш тавсия этилади. Органоминарал материаллар юқори механик ва деформацион хоссага эгалиги уларнинг гидроабразив ейилиш муҳитларида қаттиқ заррачаларни ўз ичига олган суюқликларни ташишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ІАР 07000- сон патенти асосидаги таркиблар нефть ва газни қазиб чиқаришда тозалаш технологик жараёнида «Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси» корхонасининг нефть маҳсулотларини қуйиш ва жўнатиш цехлари РВС 501/1-501/6 резервуарларнинг пастки қисмида йиғилувчи ер ости сувларини тўкиш қувурлари учун қўлланилди.



3-расм. «Шўртан нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси» корхонасининг нефть маҳсулотларини қуйиш ва жўнатиш технологик жараёни резервуарларида IAP 07000 патенти асосидаги таркиблардан олинган диаметри 50-330 (Ду42-300 мм)ли қувурларнинг монтаж схемаси

«Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖнинг «Қарши термопласт» цехида IAP07000- сонли патент таркиби асосида ишлаб чиқарилган диаметри 50 мм бўлган қувурлар иқлим шароити юқори ҳароратга кўтарилганда нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида резервуарларини сув билан совитиш қувурлари учун ҳамда диаметри 169 мм бўлган қувурлар резервуарларнинг пастки қисмига ўрнатилиб, таркибида механик аралашмалар бўлган товар ости сувларни канализацион тизимларига юборувчи қувурларда жорий этилган.

Ишлаб чиқарилган қувурларнинг эксплуатацияси бўйича меъёрий ҳужжат сифатида «Техник регламент ишлаб чиқарилган ва «Шўртан нефть газ қазиб чиқариш бошқармаси» тасарруфидаги «Маҳсулот қуйиб жўнатиш» цехи технологик жиҳозлари учун жорий этилган.

ХУЛОСА

